

КАШФИЙ ТЕРМИЗИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ МАНБАЛАРИ

Алиев Шокир Жўракулович

Термиз давлат университети иккинчи босқич таянч докторанти

Аннотация

Мақолада Термиз замининг буюк намояндаларидан бири Муҳаммад Солиҳ Кашфий Термизийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганишга доир илмий-адабий манбалар ҳақида сўз боради. Шу билан биргаликда шоир ҳаётига дахлдор бўлган баъзи маълумотлар қиёсий таҳлил этилиб кўрсатиб ўтилади.

Таянч сўзлар: Кашфий, Термиз, Ҳиндистон, Эрон, термизийлар, адабиёт, адабий манабалар, шеърят.

Таъкидлаш жоизки, Темурийлар даврида илм-фан адабиёт ва санъат бошқа даврлардан кўра анча ривожланди, турли соҳаларда кўплаб олимлар етишиб чиқди. Термиз шаҳри ҳам Самарқанд, Бухоро ва Насаф шаҳарлари каби обод ва кутлуғ маскан бўлиб дунёга танилади. XIV асрнинг биринчи ярмидан бошлаб тарихий битиклар Термизда зарб қилинган тангларда шаҳар номига унинг тавсифини баён этиш мақсадида “Мадина ар-рижол” (Мардлар шаҳри) қўшиб ишлатила бошлайди. Яъни бу тавсиф шуни кўрсатадики, халқи кўркмас, жасоратли, донишманд бўлиб, душмандан доимо ватанини ҳимоя қилиб келган.

Таниқли термизийшунос олим Мирзо Кенжабек “Буюк Термизийлар” асарида Термизни қуйидагича тавсифлайди: “Азим Жайхун соҳилидаги кўҳна Термиз харобаларига назар ташласак, қадимий қалъа деворларини ҳам кўрамиз. Дарҳақиқат, инсон қўли билан бунёд этилган иморат борки, безавол қолган эмас. Ҳар қандай қаср, кўрғон, сарой, мақбара аста-секин емирилади, чўкади, нурайди, таъмирга ёки қайта тикланишга муҳтож бўлади. Тарихнинг бешафқат вайроналик қаҳқаҳаси ҳеч бир қалъани четлаб ўтган эмас... Аммо улуғ тарихий шаҳарларнинг асл безавол қалъалари – улуғ сиймолар, улар қолдирган ўлмас маънавий мерослар, валий зотлар, алломалар, нодир шахсиятлардир.... Қадимий Термизнинг шон-шавкати, эътибор ва шарафи ҳам мангу Термизийлар биландир. Термизнинг абадий безавол қалъалари улуғ Термизийлар саналади”¹.

Термиз адабий мактабининг энг етук намояндалари Адиб Собир Термизий билан Мунжик Термизийдир. Бу икки зотнинг издошлари Абу Сайид Термизий, Абу Бакр Умар ат-Термизий, Адиб Исмоил Термизий (Адиб Собир Термизийнинг отаси), Қатрон ибн Мансур Ажалий Термизий, Али ибн Адиб Собир ибн Адиб Исмоил Термизий —

¹ Мирзо Кенжабек. Термиз тазкираси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – Б. 6.

Адиб Собирнинг фарзанди, Жамолиддин Абу Бакр Хол ат-Термизий, Нажибуддин Абу Бакр ат-Термизий ал-Хаттот, Анборий Термизий, Ҳаким Жалол Термизий, Сирожий Термизий, Фатҳий Термизий, Жавҳарий Термизий, Муҳаммад ибн Мўмин ат-Термизий, Саҳбони Соний Али Ҳаким Термизий, Амир Саййид Али Акбар Термизий, Амир Саййид Абдуллоҳ Термизий, Мир Абдуллоҳ Термизий, Муҳаммад Солиҳ бин Амир Абдуллоҳ Ҳусайний Термизий, Мир Муҳаммадмўмин ал-Ҳусайний ал-Арший ибн Мир Абдуллоҳ Мушкинқалам Термизий, Мир Мусаввир Термизий, Мир Сайид Али Термизий, Хожа Самандар Термизий, Мавлоно Қудсий Термизий Мажзуб, Хонзода Али Термизий, Абу Абдулло Муҳаммадфозил ибн Саййид ат-Термизий ал-Акбарободий, Мир Муҳаммад Маъсум бин Саййид Сафои Ҳусайний ат-Термизий Бакарий, Мир Муҳаммад Такий Термизий, Абу Саййид Термизий, Муҳаммад ибн Аҳмад Термизий каби зотлар яшаб ўтган ёки Термизий нисбаси билан Афғонистон, Эрон, Покистон ва Ҳиндистонга бориб ижод қилганлар. Мана шу Термиз адабий мактабининг ривожлангани, қолаверса, дунё адабиётига таъсир кўрсатганидан далолат беради.

Бу каби улғу зотларнинг илмий-адабий фаолияти нафақат Термизда балки Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистон ўлкаларида кенг ёйди. Жумладан, Термизийларнинг кўплаб мутафаккирлари давр тақозоси сабабли Ҳиндистонга кўчиб боришади. Мана шундай зотлар қатори Кашфий Термизийнинг отаси – Мирмуҳаммад Мушкинқалам Васфий Термизий ҳам Термиздан Ҳиндистонга кўчиб боргани маълум. Васфий Термизий адабиётсевар ва санъатсевар киши бўлганлиги боис фарзандларини ҳам бу йўлда тарбиялай олди.

Шунинг учун Кашфий Термизий каби етук шоир, моҳир хаттот ва олимни Термиз ўлкаси етиштиришда ҳар томонлама замин яратганди. Албатта, бир олим, ёки бир шоир етишиб чиқиши учун ушбу заминда шундай муҳит бўлиш шарт. Ҳар бир натижанинг боши бўлгани каби Кашфий Термизийдек юзлаб Термизий ва Чағонийлар етишиб чиқишига бош сабаб – маънавий муҳит ва унинг намояндаларининг роли катта бўлган. XVI аср иккинчи ярми XVII ва ўрталари Термиз адабий муҳитининг кўзга кўринган намояндалари ҳаёти, мероси, форс-тожик шеърини тараққиётга муносиб ҳисса қўшган ижодкорларнинг бой мероси ўрганилмаган. Тазкира ва тарихий манбаларда Термизлик намояндалар ҳақида кўплаб маълумотлар мавжуд бўлса-да бироқ буларнинг ҳаёти ва мероси тадқиқ этилмаган. Умуман олганда бугунги кунга қадар Термиз адабий муҳити тарихи ва Термизлик шоирлар ҳаёти илмий тадиқиқот сифатида ўрганилмаган. Бу борада Термизийшнос олим Мирзо Кенжабек ўзининг “Буюк Термизийлар” асарида Термиз тарихи, термизлик мутасаввиф зотлар, термизлик уламо ва фузалолар, термизлик муҳаддислар, термизлик шоирлар каби бобларда алоҳида маълумот бериб ўтганлиги характерлидир. Жумладан, тадқиқотимизнинг асосий объекти бўлган Муҳаммад Солиҳ Кашфий Термизий ҳаёти ҳақида қуйидаги маълумотларни бериб ўтади: “Шоир хаттот Муҳаммад Солиҳ ибн Амир Абдуллоҳ XVI асрнинг сўнги

чорагида Термизда тўғилган, илк таълимни шу ерда олган. 1605 йилда отаси билан Ҳиндистонга, бобурий подшоҳлари хузурига кетган. Унинг отаси – ажойиб ижоди учун Мушкинқалам унвониини олган.² Бу ердаги маъулмотларни бошқа манбалар билан қиёслаб ўрганилганда Кашфий Термизий гарчи ота-боболари Термизда таваллуд топиб, шу ерда яшаган бўлсалар ҳам лекин Кашфий таваллуд топган жой ҳақида баъзи хилофлар бор. Кашфийшунос эронлик олим Куруши Мансур “Маноқиб Муртазовий” асарининг муқаддима қисмида қуйидагиларни ёзади: اجداد او به هندستان رفتند خود نیز در آن دیار تولد یافت به تحصیل کمالات عالیہ پرداخته و به فور کمال در آن دیار مشهور گردید.³

Ажододлари Ҳиндистонга кўчиб боришган. Ўзи эса Ҳиндистонда таваллуд топган. Шу ерда маънавий камолотга эришиш учун таҳсил олиб, тез фурсатда шухрат қозонди.

“Тазкираи рўзи равшан”⁴ асарида Мир Муҳаммад Солиҳ Шохжаҳон саройида хизмат қилганлиги ҳамда бу ерда ҳаётидан фароғат топганлигини зикр этади. Отаси термизлик саййидлардан бўлган.

Кашфий Термизий ҳақида тожик ва ўзбек адабиётида жуда кам маълумот учрайди. Мирзо Кенжабек, Қўдрат Жўраев, Бобоназар Муртазов каби олимлар томонидан шоир ҳаёти ҳақида қисқача маълумот бериб ўтилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, шоир ҳаёти ва бой адабий меросини ўрганиш, кенг китобхонлар оммасига тақдим этиш адабиётшуносликнинг муҳим масалаларидан бири саналади. Кашфий Термизий ҳаётини ўрганиш орқали Термиз адабий мактабинининг ривожланиш жуғрофиясининг кенгроқ тадқиқ этишга йўл очиб беради.

² Мирзо Кенжабек. Термиз тазкираси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017 - Б. 355.

³ Муҳаммад Солиҳ Кашфий Термизий Ҳанафий. Маноқиб Муртазовий/ ба тасхеҳи Куруши Мансур. – Техрон: Интишороти Равзана, 1380. – С. 9.

⁴ Мавлавий Муҳаммад Музаффар хусайн Сабо. Тазкираи рўзи равшан / ба тасҳиҳ ва таҳшияи Муҳаммад Хусайн Рукнзода. – Техрон: Китобхони Розий. – С. 690-691.